BIZNES Daily

БИРЖА

Иқтисодий газета №24 Экономическая газета

Ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

(2347)

Пайшанба, 2018 йил 1 март
Четверг, 1 марта 2018 года

www.biznes-daily.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, юқори малакали кадрларни, шу жумладан, ёш битирувчиларни жалб этиш, жамиятда давлат мактабгача таълим муассасалари педагогларининг нуфузини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари айрим тоифаларининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб – мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 30 фоизга;

б) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини, уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларига тенглаштирган ҳолда 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасалари мудирлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 10 фоизга табақалаштириб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар сақлангани учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баравар пасайтирилсин.

3. 2018 йил 1 мартдан бошлаб давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ушбу қарорга мувофиқ давлат таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини ошириш бўйича қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштирилишини таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармасини шакллантиришга қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қатъий равишда 15 фоизи миқдорида қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин, давлат мактабгача таълим муассасалари харажатлари сметаларида улар алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 32-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва мактабгача таълим вазири А.В.Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига ШАРҲ

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ҳозирда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларнинг, мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияга масъул ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Масалан, 1993 йилга қадар мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бир хил бўлган бўлса, Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан ҳозирга қадар умумтаълим мактаблари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари бир неча марта оширилгани ҳолда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилганлиги ҳисобига уларнинг ўртача иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчисига нисбатан 60 фоизни ташкил этади, холос.

Бу эса, ўз навбатида, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари истеъдоди, касб маҳорати ва иш фаолиятида шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига ҳамда муассасанинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан мактабгача таълим соҳасида юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган. Мазкур қарор билан мактабгача таълим муассасалари айрим ходимларининг иш ҳақи тўловларини қуйидаги миқдорларда 2 та босқичда ошириш кўзда тутилган:

1. 2018 йил 1 мартдан – мудир, тарбиячи, услубчи, ўқитувчи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбари ва тарбиячи ёрдамчиси 30 фоизга;

2. 2018 йил 1 сентябрдан:

олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси, ўқитувчи, дефектолог, психолог 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи ёрдамчиси 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасаси мудири 10 фоизга.

Бунинг натижасида давлат мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган жами 93555 нафар ходим, шундан 4908 нафар мудир, 3924 нафар олий маълумотли тарбиячи, 39523 нафар ўрта махсус маълумотли тарбиячи, 673 нафар методист, 3765 нафар дефектолог, 1450 нафар психолог, 33259 нафар тарбиячи ёрдамчиси ва 7503 нафар мусиқа раҳбарининг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилади.

Ушбу қарорда 2018 йил сентябрь ойидан бошлаб олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдори умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорига тенглаштирилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қарор билан мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ҳамда қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш даражасини инобатга олиб, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида 2023 йилнинг 1 январигача ота-оналар бадал тўлови миқдорини 50 фоизга камайтириш назарда тутилган.

Ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳамда қишлоқ ҳудудларда боғчалар учун ота-оналар тўловининг кескин пасайтирилиши мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражасини оширишга ҳамда мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЎРТА МУДДАТЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

Мамлакатимизда илк бор Наманган шаҳри мисолида бюджетни ўрта муддатга тузиш услубий қўлланмаси яратилди. Хўш, бундан кўзланган мақсад ҳамда кутилаётган натижа нимага қаратилган? Шу ва бошқа саволлар билан Молия вазирлиги Бюджетни тузиш ва ғазначилик ижроси, ички аудит ва молиявий назорат услубиёти бошқармаси бошлиғи Исмонжон Мамажоновга мурожаат қилдик.

– Ўрта муддатли бюджетлаштириш тизимига ўтиш нима учун кун тартибига чиқди?

– Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий бюджет тизими ва бюджет жараёни танқид остига олиниб, уни илғор жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб чуқур таҳлил ҳамда тубдан ислоҳ қилиш вазифаси топширилди. Таъкидлаш керакки, жорий бюджетни режалаштириш бир йил билан чегараланиб, бу амалда бюджет сиёсатини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий йил доирасидан четга чиқувчи устувор вазифалари ва мақсадларига эришишга йўналтириш имкониятини чеклаб қўймоқда. Натижада ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган миллий ва ҳудудий дастурлар аксарият ҳолларда бюджет имкониятлари билан боғланмай қолмоқда. Бундан ташқари, амалдаги бюджетнинг узоқ муддатли инвестиция дастурлари (капитал қўйилмалар) билан узвий даражада боғланиш имконияти чегараланиб қолган. Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (янги қувватларни яратиш, амалдаги объектларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш) ишга туширилганидан сўнг уларни жорий таъминлашга харажатлар талаб қилинади. Аммо янги объектларнинг ишга туширилиши бюджет прогнози билан боғланмаган, яъни унда мазкур объектларни жорий таъмирлаш харажатлари ҳисобга олинмаган ҳоллар учрамоқда. Натижада молия йили мобайнида мазкур объектларни молиявий таъминлашга қўшимча маблағларни топиш (шу жумладан, режага мувофиқ ажратилган маблағларни қайта тақсимлаш йўли билан) тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Давлат харажатлари ва қабул қилинаётган (амалга оширилаётган) дастурларнинг ўзаро номувофиқлиги муаммолари бюджетни режалаштириш асосан жорий вазифаларни ҳал қилишга қаратилганлигини кўрсатади.

Ҳозирги ўтган молия йили учун бюджетнинг харажатлар моддаларига доир ҳисобот маълумотларига асосланадиган бюджет харажатларини "сметали режалаштириш" усули молиялаштириш натижаларини аниқлаш муаммосини амалда четлаб ўтади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, харажатларнинг ўзи натижа сифатида амал қилади ва бундай шароитда бюджет харажатларини молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш имконияти чекланади. Йиллик бюджет доирасида бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини аниқлаш муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг кўп қисми узоқроқ муддатда амалга оширилишини ҳисобга олганда тўғри ҳисобланмайди. Шу боис давлат бюджети нафақат йил давомидаги кўзланган харажатларни молиялаштиришни, балки уларни бир йилдан ортиқ давом этадиган давлат дастурларини бажариш учун керак бўлган молиявий ресурслар билан боғлашни ва бюджет жараёнининг ошкоралик даражасини оширишни таъминлаши долзарб бўлиб турибди.

– Ўрта муддатли бюджетлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва афзалликлари нимада?

– Давлат бюджети билан боғланган ҳар қандай ислоҳотлар тизими пухта, кенг ўйланган ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда бўлиши керак. Давлат бюджети ислоҳоти марказида бюджет лойиҳасини режалаштириш туради. Шу боис, унга бутун мамлакат тақдирини ҳал қилувчи куч сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Бюджетни режалаштиришдаги энг муҳим ричаг унга сарфланаётган харажат ҳисобланади. Бюджет харажатларининг сифат жиҳатлари макроиқтисодий миқёсда сезиларли ижтимоий-иқтисодий ривожланишга сабаб бўладиган омилдир.

Албатта, ҳар қандай ислоҳот бир молия йилида ўз натижасини кўрсатиши мушкул, айниқса, бюджет хизмати соҳасида. Шу боис, бир молия йили доирасидан ўрта муддатга (қоида тариқасида 3-5 йил) мўлжалланган бюджет амалиётига ўтиш муҳимдир. Ўрта муддатли бюджетлаштириш иқтисодий барқарорликка эришиш воситасигина эмас, балки бир қанча муаммоларни ечиш имконияти ҳамдир. Яъни бу усул давлат қонунчилиги ва қарорларининг ўрта ҳамда узоқ муддатли давлат молиявий стратегиясига таъсирини белгилайди. Бюджет жараёнининг ошкоралигини ошириб, молиявий интизомни мустаҳкамлайди. Бюджет жараёни шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлайди. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур иқтисодий вақт ва ресурсларни тежайди. Ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиётидан фойдаланиш давлат маблағларини бюджет маблағларини бошқарувчилар (бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва олувчилар) фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга молик ва одатда миқдор жиҳатидан ўлчаш мумкин бўлган натижаларига йўналтириш, шу билан бирга, белгиланган мақсадлар ҳамда натижаларга эришилишининг мониторингини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқади. Ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиётидан фойдаланиш бюджетни режалаштириш ва молиявий менежментнинг замонавий идоравий методлари сифатини таъминлашни ҳам назарда тутади. Энг асосийси, мазкур метод тадбиркорларимизга жуда қўл келади, улар ўз бизнес режаларини олдиндан ўрта муддатли солиқ ва бюджет сиёсатига мувофиқлаштира оладилар.

– Шу ўринда ўрта муддатли бюджетлаштириш бўйича хорижий тажриба ҳақида тўхталсангиз.

– Бугунги кунда жаҳон амалиётида кўпгина давлатлар бюджет тизимини ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этишмоқда. Германия, Буюк Британия, Австрия, АҚШ каби мамлакатларда кўп йиллик бюджетни режалаштириш борасида бой тажриба тўпланган. Мисол учун, Австрияда 1994 йилгача ўрта муддатли бюджет баҳолари бу мамлакатда жорий фискал қарорлар бир неча йилдан сўнг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини прогноз қилиш учун берилган бўлса, эндиликда мазкур баҳолар стратегик молиявий режага айланган. Германия бюджетни бирлаштирилган ўрта муддатли молиявий режа контекстида тузади. Австралия, Канада, Янги Зеландия ва Буюк Британияда ўрта муддатли молиявий режадан, асосан, бюджет ресурслари тақсимланишининг очиқлиги ва самарадорлигини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланилади. Лекин ушбу мамлакатлар қўллайдиган ёндашувлар ўрта муддатли фискал сиёсатни юритиш бюджет жараёнининг барқарорлиги ва ворисийлигини таъминлаш имкониятини ҳам беради. Австралия ва Янги Зеландияда даромадларнинг кўп йиллик прогнозлари харажатларнинг кўп йиллик баҳолари билан солиштирилади ва бу келажакда даромад тушумлари тақчиллиги хавфини олдиндан аниқлаш имконини беради. Буюк Британияда ҳам давлат харажатларининг ўрта муддатли режаси шакллантирилади. Аммо Германиядан фарқли ўлароқ, даромадлар бўйича режа фақат бир йилни қамраб олади, даромад тушумларининг прогноз баҳолари ушбу мамлакатда ўрта муддатли бюджет доирасини ташкил этувчи тўрт йиллик даврга тузилади. Канадада амал қилувчи ёндашувга мувофиқ, фискал стратегиянинг ўрта муддатли мақсадларини, шунингдек, вазирликларнинг кўп йиллик даврга мўлжалланган харажатлари бўйича лимитларни Ғазначилик кенгаши белгилайди. АҚШда бюджет жараёни мобайнида тузиладиган ўрта муддатли бюджет баҳолари у ёки бу қарорлар давлатнинг фискал стратегияси билан мувофиқ эмаслигини (масалан, бюджет тақчиллигини пасайтириш вазифасига мувофиқ келмаслигини) эрта аниқлаш тизими бўлиб хизмат қилади.

Умуман, ўрта муддатли бюджетлаштириш борасида хориж тажрибаси ўрта муддатли молиявий режани шакллантириш жараёнига тўрт элемент хос эканлигини кўрсатади. Бунда, биринчидан, кўп йиллик ёки ўрта муддатли молиявий стратегия ишлаб чиқилади, иккинчидан, бюджет жараёни мобайнида даромадлар ва харажатлар бўйича кўп йиллик прогнозларни тайёрлаш талаб этилади, учинчидан, кўп йиллик молиявий режа кўрсаткичларини бир йилдан сўнг олдинга "силжитиш" ёки "ўтказиш" методологиясини ишлаб чиқиш зарур бўлади, тўртинчидан, кўп йиллик бюджетни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида қонунчилик органларининг ролини белгилаш талаб этилади. Халқаро тажриба ҳамда шу тажрибалар асосида иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва таҳлил этиш ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиётини жорий қилишга киришаётган мамлакатлар учун муҳим ҳисобланади.

– Наманган шаҳри бўйича ўрта муддатли бюджетлаштиришга оид услубий қўлланмада нималарга эътибор қаратилди?

– Мазкур услубий тавсиялар Бюджет кодексига мувофиқ ва илғор жаҳон тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. У Наманган шаҳри маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари, давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 2018–2020 йиллар учун тузилган бюджет сўровини ва тасдиқланган шаҳар бюджетининг янги тартибини амалий мисоллар билан ёритиб беради. Услубий қўлланманинг биринчи қисмида бюджет тизими, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси ҳамда унда маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва роли, бюджетлараро муносабатлар ва уларни амалга ошириш тартиби ёритилган. Иккинчи қисмида ҳудудлар бюджетини ўрта муддатга (3 йилга) режалаштиришни амалга ошириш имкониятлари ва афзалликлари, ривожланган давлатларнинг маҳаллий бюджетларини режалаштириш тажрибаси, шунингдек, Наманган шаҳри маҳаллий бюджети мисолида ўрта муддатли бюджет лойиҳасини тузиш бўйича янгича услубдаги сўровномани тўлдириш тартиби, ўрта муддатли бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш, бажарилиши устидан мониторинг ўтказиш жараёнлари тизимли равишда тушунтириб берилган. Қўлланма умумий қоидалар, бюджет сўрови таркиби, ўтган йилда эришилган ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисобот, харажат мажбуриятларининг реестри, келгуси давр учун бюджет буюртмаси, бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастури, якуний қоидалардан иборат. Унда ўрта муддатли бюджет сўровини тузиш бўйича соҳалар кесимида (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, ободонлаштириш бошқармалари ва ҳк.) услубий тавсиялар келтирилган. Қўлланманинг ҳар бир бобидан сўнг унда акс эттирилган мулоҳазаларнинг энг асосийлари бўйича тузилган саволлар қўлланмадан фойдаланувчининг фикрлаш қобилиятини чархлайди, тегишли мавзу юзасидан билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди. Қўлланма нафақат молиячилар учун, балки халқ депутатлари, бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб хизматлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга бюджетни тузиш жараёнини амалий ўрганишда қўл келади.

Мазкур қўлланма бугунги кунда молия органларига ва олий ўқув юртларига тарқатилган, унинг электрон версияси Молия вазирлиги веб-сайтига жойлаштирилган.

Замира ТОЖИЕВА суҳбатлашди.

Академик билан учрашув

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Мирзиёд Мирсаидов билан учрашув бўлиб ўтди. Унда институтнинг ёш олимлари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрант ва иқтидорли талабалари иштирок этишди.

Учрашувда Мирзиёд Мирсаидов Ўзбекистон фани ютуқлари ва истиқболлари, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда илм-фаннинг ролини кучайтириш, фаннинг устувор йўналишларида олиб бораётган фаол илмий-тадқиқот изланишлар натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамиятни кенг таништириш таниқли мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратиш хусусидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Таниқли олим мамлакатимизда фан ва технологияларни жадаллик билан ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятининг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни ташкиллаштириш ва бошқариш, илмий-тадқиқот муассасалари имкониятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш ва олимларнинг сермашаққат меҳнатларини муносиб моддий рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Академик Мирзиёд Мирсаидов 2016 йилнинг 30 декабрида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фанлар академияси академиклари, етакчи олимлар ва республика олий таълим муассасаларининг ректорлари билан ўтказган учрашувида "Илм-фанни ривожлантириш учун нима қилмоғимиз керак? Нима қилсак, замонамиздан Хоразмийлар, Бухорийлар, Беруниийлар, Улуғбеклар пайдо бўлади?" деган даъватига жавобан бугун шиддату шижоат билан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар, илм-фанни ривожлантириш мақсадига йўналтирилган давлат сиёсати ҳақидаги қарашларини баён қилди.

Бундай учрашувлар ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий тадқиқот соҳаларида янгиликлар, ихтиролар қилишга ундаш, уларнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга хизмат қилувчи инновацион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Усмон ХУШВАҚТОВ,
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти бўлим бошлиғи.
Лазиз ИБРАГИМОВ,
шу институт докторанти.

С ЗАБОТОЙ О ЛЮДЯХ

Фонд «Кока-Кола» инвестирует 100 000 долл. США в проект по совершенствованию систем водоснабжения в Тахтакупырском районе Каракалпакстана в рамках Совместной программы ООН по Аральскому морю.

По данным ООН, на сегодняшний день от дефицита воды страдает более 40 процентов мирового населения, 884 миллиона жителей планеты лишены доступа к чистой воде и более 1,7 миллиарда человек, проживающих на территории речных бассейнов, нуждаются в дополнительных источниках пресной воды.

Высыхание Аральского моря повлекло за собой целый комплекс социально-экономических и экологических последствий в Каракалпакстане. Как результат, лишь 50,8% местного населения имеет доступ к централизованной системе водоснабжения, в то время как отдаленные сообщества имеют локально установленные источники воды, включая воду, добываемую из артезианских скважин глубиной в 400-500 метров. В настоящий момент в населенном пункте Макпал-коль сельского схода граждан (ССГ) Ата-коль Тахтакупырского района, где также расположены школа, детский сад и другие учреждения социального назначения, доступ к питьевой воде возможен только при помощи нескольких ручных насосов либо из цистерн, поставляемых в ССГ. Это негативно сказывается на состоянии здоровья местных жителей и санитарных условиях.

Новый проект «Улучшение доступа к питьевой воде в сельских местностях Приаралья», финансируемый Программой нового мира (NWP) при взаимодействии с фондом «Кока-Кола» (TCCF) и организацией по Глобальным проблемам водных ресурсов (GWC), предусматривает проведение ряда мероприятий по восстановлению водораспределительной станции до конца 2018 года.

Планируется приобретение и установка нового оборудования для очистки воды, ремонт станции и монтаж водопроводов. По завершении проекта 1948 человек получат возможность использования чистой артезианской воды для своих нужд, что также позволит улучшить санитарные условия в населенном пункте.

Содействие в решении социально-инфраструктурных вопросов путем вовлечения сообществ и реализации инновационных социальных проектов является одним из ключевых направлений Совместной программы ООН «Укрепление потенциала жизнеустойчивости населения, пострадавшего в результате кризиса Аральского моря, посредством создания многопартнёрского фонда по человеческой безопасности для региона Приаралья». Совместные усилия ПРООН, Совета Министров Каракалпакстана и Тахтакупирского хокимията (муниципалитета) в рамках вышеуказанного проекта по водоснабжению получили поддержку и со стороны NWP.

GWC является независимой, некоммерческой организацией, освобожденной от налогообложения на основании статьи 501 (C) (3) Налогового кодекса США, объединяющей гражданское сообщество, правительственные и частные организации в разных секторах, работающие над обеспечением всеобщего доступа к чистой воде и санитарии. В своей деятельности во имя устойчивого развития у данной организации накоплен богатый опыт партнерства с системой «Кока-Кола».

Программа нового мира. «Новый мир: инициативы в области инклюзивного и устойчивого развития человеческого потенциала» – это лидирующая программа, направленная на создание устойчивых сообществ посредством достижения Целей устойчивого развития (ЦУР). Программа нового мира впервые была запущена в 2014 году Программой развития ООН как механизм сотрудничества с фондом «Кока-Кола» для привлечения организаций гражданского общества (неправительственные, общественные организации) к осуществлению инновационных, комплексных и устойчивых решений в сфере обеспечения водоснабжения, санитарии, расширения прав и возможностей женщин и молодежи на пути к ЦУР.

В настоящее время вопросами управления и контроля за исполнением инициатив программы занимается организация по Глобальным проблемам водных ресурсов, объединяющая гражданское общество, правительственные и частные организации в разных секторах.

В реализации проекта большое внимание уделено применению принципов Концепции человеческой безопасности. Как показывает опыт Совместной программы ООН, действующей при финансовой поддержке Целевого фонда ООН по человеческой безопасности, такой подход может способствовать решению сложного комплекса задач в поддержку населения Приаралья. Принципы по всестороннему развитию, сфокусированности на нуждах людей, стремление к всеобъемлющему решению вопросов играют важную роль при планировании и внедрении эффективных мер по оказанию содействия как сообществам, так и отдельным представителям региона, оказавшегося под влиянием Аральского кризиса. Такой подход позволит создать связь между многочисленными секторами (экономический, социальный, политический, экологический, здравоохранение и т.д.) для преодоления сложных, но при этом взаимосвязанных проблем.

Будет создана инициативная группа для обеспечения надлежащей работы станции и эксплуатации самой системы водоснабжения. Серия тренингов и семинаров по вопросам санитарии и правилам гигиены будет организована в учебных заведениях и медучреждениях с участием местного населения и районной администрации. Ожидается, что опыт внедрения данного проекта будет полезен и для других населенных пунктов, внесет вклад в обеспечение экологической и экономической безопасности, а также безопасности для здоровья человека в регионе Приаралья.

ТЕПЛО И УЮТ ВАШЕГО ДОМА

В эти дни на выставочных площадях АО НВК «Узэкспоцентр» проходят международные объединенные экспозиции – выставки Aquatherm Tashkent 2018 и WorldBuild Tashkent.

В Узбекистане наблюдается заметная активность на рынке HVAC. В высокой динамике экономического роста и задачи, обозначенные главой государства по разработке программы инновационного развития сферы строительства до 2030 года. За фасадом современных строительных и гидростроительных решений – высокие технологии и оборудование, для того чтобы жизнь была удобной, комфортной, экономичной и практичной.

Один из самых успешных проектов в сфере аквиндустрии – Aquatherm Tashkent 2018. Это не только демонстрационные возможности, но и эффективная площадка для бизнес-диалога между узбекскими специалистами, дилерами, дистрибьюторами и зарубежными коллегами. В условиях масштабных строительных работ в Узбекистане такое событие является весьма актуальным. Инфраструктура современных жилых, градообразующих решений сегодня не представляется без важных составляющих комфортной жизни, широкую линейку которых и предлагает профильная экспозиция.

Организатор выставочного показа – международная выставочная компания Iteca Exhibitions и ее партнер – группа компаний ITE, в седьмой раз собирают на одной площадке ведущих производителей в области водоснабжения, энергоснабжения, канализации, отопления, диспетчеризации, кондиционирования, вентиляции и оснащения бассейнов и спа. Уникальная экспозиция предлагает все новинки, инновации HVAC рынка. В этом году выставка представляет 81 компанию из 17 стран мира. Дебютантами нынешнего проекта стали объединенный стенд компаний Финского водного форума, который представляет инновационные решения в области водоочистки, водоподготовки, и Ассоциация производителей оборудования для кондиционирования воздуха и рефрижерации İSKİD (Турция). Ассоциация объединяет ведущих производителей Турции, которые работают в секторе кондиционирования и вентиляции. Отечественный рынок производителей представляют компании Akfa, Vitech, «Жихоз-Вентиляция», Vero, Royal, завод «Махсус полимер», Artel и др. В рамках деловой программы проведены симпозиум, семинары, а также мастер-классы, презентации продукции и услуг.

Не менее популярной стала выставка WorldBuild Tashkent 2018, экспозиции которой вызывают большой интерес у посетителей. Многие авторитетные ученые-экономисты и эксперты по праву называют стройиндустрию барометром социально-экономического развития любого государства, поскольку в стране, где строятся школы и больницы, возводятся спорткомплексы и промышленные объекты, царят благополучие и стабильность. В инициированной Президентом Республики Узбекистан Ш. Мирзиёевым Стратегии действий развития экономики страны на 2017-2021 гг. особое место уделено отрасли стройиндустрии как локомотиву экономики по дальнейшему ускоренному развитию строительства зданий и сооружений, новых объектов промышленности и субъектов частного предпринимательства, железных и автомобильных дорог, жилых корпусов. Так, на фундаменте государственной поддержки выстраивается архитектура благополучной и комфортной жизни.

Одной из отличительных особенностей нынешнего показа новинок стройиндустрии стало участие в нем рекордного количества китайских производителей. В работе мероприятия принимают участие более 10 компаний. Среди них лидеры стройиндустрии Китайской Народной Республики – компании Shangdong Chamboard; Changzhou JUEN Dekoration Materials Co., Ltd; LINYI CONSMOS IMP. & EXP.CO., LTD; Shanghai Zhogji Machinery Manufacturing CO., LTD и другие.

Китай, являясь ключевым стратегическим партнером Узбекистана, значительно расширяет свое присутствие на рынке нашей страны. Мощный импульс двустороннему сотрудничеству придал состоявшийся в мае 2017 г. Государственный визит Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в КНР. Китайские бизнес-субъекты участвовали в строительстве множества новых промышленных предприятий в Узбекистане. При содействии предпринимателей КНР в нашей стране налажен выпуск строительной техники. На современном качественном этапе нарастающего партнерства представители стройиндустрии двух стран прокладывают новые дорожные карты по Великому шёлковому пути.

Китайские партнёры в экспозиции нынешнего года представили строительное оборудование; материалы для строительства, отделки и декора; технологии и многое другое, что может заинтересовать профессионалов отрасли. Нынешняя выставка стала отличной платформой для китайских представителей бизнеса в продвижении их продукции на международном уровне.

Джамалбек ЗАУРБЕКОВ.

BIZNES Daily

БИРЖА

2018 йил 1 март № 24 (2347)

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Илова: эълонлар бепул тарқатилади.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижлик сармоядорлар диққатига!

Давлат рақобат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “ноль” харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади

Танловга қўйилган объектлар рўйхати ва уларни “ноль” харид қийматида сотиш шартлари:

№	Корхона ва объектлар номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (кв.м.)	Қурилиш ости ер майдони (кв.м.)	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Янги ташкил қилинадиган ишчи ўринлар сони	Инвестиция мажбуриятларининг бажариш муддати (йил)	Шаҳарсозлик нормалари, санитария қоида ва меъёрий талаблари ҳамда экологик талаблар бўйича эҳтимолий чеклашларни инобатга олган ҳолда, объект негизида ташкил қилиниши мумкин бўлмаган фаолият турлари
1	Тугатилган “Махсус интерсавдо” МЧЖга қарашли бўлган консерва заводининг бўш турган биноси	Шовот тумани, Бешмерган қишлоғи	36 840,00	2 972,02	500	10	2	
2	Тугатилган “Қўшкўпир Аз-Замахшарий” ММТПнинг бино ва ншоотлари	Қўшкўпир тумани, Ўзбекёп қишлоғи	371,29	226,62	200	6	1,5	Кимёвий и/ч, металлургия, машинасозлик ва темирга ишлов бериш, қурилиш саноати, ёғочга ишлов бериш, тўқимачилик ва енгил саноат фабрикалари, ҳайвонларнинг тери ва суякларини қайта ишлаш цехлари
3	28-болалар боғчасининг эски бино ва иншоотлари	Хива тумани, Шамо-хулум қишлоғида жойлашган	7 128,51	1 113,59	600	15	2	Кимёвий и/ч, металлургия, машинасозлик ва темирга ишлов бериш, қурилиш саноати, ёғочга ишлов бериш, тўқимачилик ва енгил саноат фабрикалари, ҳайвонларнинг тери ва суякларини қайта ишлаш цехлари, қишлоқ хўжалиги объектлари (омборхоналар, музлатгичлар, иссиқхоналар) гаражлар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш объектлари

Ушбу давлат мулки объекти фақатгина болалар боғчаси ташкил этиш шарти билан сотилади.

Танлов 2018 йил 3 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Танлов ушбу санада бўлиб ўтмаган тақдирда, кейинги савдо 2018 йил 19 апрель, 4 май кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Танлов ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 29-уй, Хоразм вилояти ҳокимлиги биноси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига (Давлат рақобат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасига) танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

– нодавлат юридик шахслар учун – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– жисмоний шахслар учун – паспортининг нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– бизнес режа мухрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шарти).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар (Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уйнинг 3-қавати 317-хона). Хоразм вилояти ҳудудий танлов комиссиясига ва Давлат рақобат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача (13.00дан 14.00 гача тушлик вақтидан ташқари) мурожаат қилишлари мумкин. Буюртманоларни қабул қилиш савдо санасидан икки иш куни олдин тўхтатилади.

Танловларнинг қўшимча шартлари

1. Инвестиция киритиш шарти билан “ноль” харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

2. Танлов савдо натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-79, 259-21-37 ишонч телефонларига ва info@gki.uz, hususiylashtirish@mail.ru электрон почта манзилларига хабар қилишингиз ёки Давлат рақобат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг телефон рақамларига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

Мурожаат учун tel./faks: (0-362) 223-08-00, 223-08-63, e-mail: khorezm@gki.uz.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси қуйидаги давлат мулки объектини инвестиция киритиш мажбуриятлари эвазига “ноль” харид қийматида бепул бериш бўйича очиқ танлов савдога таклиф этади

№	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Танлов шартлари		
				Энг кам инвестиция миқдори (млн. сўм)	Бажариш муддати (йил)	Яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори
1.	Собиқ “6-сонли МТМ” бино ва иншоотлари	Оқолтин тумани, Андижон СИУ	Оқолтин туман ҳокимлиги	250	2	7

Танлов савдо натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Инвестиция киритиш мобайнида яратилган иш ўринлари, фаолият кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 (бир) йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатади, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Танловда қатнашиш учун инвестор оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида икки иш куни олдин Ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов таклифини тақдим этади.

Танлов таклифида танлов шартларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори (суммаси), уларни тўлаш ва бажариш шакли, муддати, ишга тушириш шартлари, яратилиши кўзда тутилган янги иш ўринлари сони;

– бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), янги асбоб-ускуналар, инвентарлар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари, замонавий талабларга жавоб берадиган дастлабки қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги, хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара, шунингдек, сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш;

– сотиш объектининг қурилиш ости фойдаланиш майдонини тиклаш ва хизмат кўрсатиш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Танлов ўтказиш муддати: талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар 2018 йил 6 апрель куни, соат 16.00 да, Сирдарё вилояти Рақобат бошқармаси, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уйда очилади, танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий танлов савдо ҳар ҳафтанинг жума кунлари, соат 16.00 да вилоят Рақобат бошқармасида ҳудудий танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Очиқ танловда қатнашишга буюртманома қабул қилиш танлов тўғрисидаги хабарнома эълон қилинган санадан бошланади ва икки кун олдин тамом бўлади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёки почта орқали Давлат рақобат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси (танлов комиссиясининг ишчи органи)га танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда таклиф этилган шартлар доирасида тегишли ҳужжатларни тақдим этган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, вилоят Рақобат бошқармаси.

Маълумот учун телефонлар: (0-367) 226-53-15, 226-53-12. **Факс:** (0-367) 226-53-15.

E-mail: sirdaria@gki.uz, privatization@inbox.uz.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.uzmls.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Танлов савдода қатнашиш ёки ҳужжатларни топшириш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Танлов савдога марҳамат қилинг!

“Capital realtor group” МЧЖ Қорақалпоғистон филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2018 йил 23 февраль кунги 35П-буйруғи ва Мўйноқ тумани ҳокимининг 2018 йил 13 февраль кунги 02/147-қарорларига ва Мўйноқ тумани ҳокими ўринбосорининг 2018 йил 13 февраль кунги 03/190-хатига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ туманидан 260 (икки юз олтмиш) дона ер участкаси аукцион савдога такроран қўйилмоқда:

Мўйноқ тумани, “Дослык” МФЙ, Казакбаев кўчасидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м бўлган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, “Таллы озек” МФЙ, Уббиниязов кўчасидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, “Арал”, МФЙ, Насыров кўчасидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 34, 35-сонли ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, “Мойнак” МФЙ, Насыров кўчасидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 31, 32, 33-ер учаскалри. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, “Дослык”, МФЙ Бердах кўчасидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 36, 37, 38, 39, 40-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, Ушсай ОФЙ, Ушсай овулидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, Ушсай ОФЙ, Токмак ата овулидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, Тик озек ОФЙ, Тик озек овулидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, Бозатау ОФЙ, Шагырлы овулидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 109, 110-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, Бозатау ОФЙ, Таллык овулидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 111, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 121, 122, 123, 124, 125, 126, 127, 128, 129, 130-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

Мўйноқ тумани, Бозатау ОФЙ, Кыпшакдарья овулидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 139, 140, 141, 142, 143, 144, 145, 146, 147, 148, 149, 150-ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25 100 сўм.

